



**ҚЎҚОН ХОНЛИГИ БИЛАН ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН
ЎРТАСИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ ВА
ТАРАҚҚИЁТИ**

Искандаров Султонбек Мавлон угли

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
талабаси. Тел: +998975353305

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8014276>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2023

Accepted: 06th June 2023

Online: 07th June 2023

KEY WORDS

Ёркенд, Шарқий Туркистон,
Жунғор, Калмиклар,
Манжурлар, Мугилистон,
Мухаммад Амин Бухорий,
Хофиз Таниш Бухорий,
Хайдарбек Бобобеков,
Абдуллонома, Ансобус-
салотин, цзянцзюня,
Абулкаримбий, Ердонабий.

ABSTRACT

ушбу мақолада Қуқон хонлиги ҳамда Шарқий Туркистон ўртасидаги муносабатлар ва бу муносабатлар кай тарзда йулга қуйилганлиги хақида байон этилади. Ундан ташқари Қуқоннинг турли ҳуқумдорлари даврида Шарқий Туркистон билан булиб ўтган зиддиятлар ҳамда дипломатик алоқалар хақида малумотлар берилган.

XVII аср ва XVIII аср ўрталарига қадар Шарқий Туркистон ҳудудида икки хонлик – Ёркенд хонлиги¹³ (1465 – 1759) ва Жунғор хонлиги (1636 – 1758) деб номланган мустақил давлатлар мавжуд эди. Аммо бу давлатлар ўртасидаги ўзаро қурашлар оқибатида 1692 йилдан Ёркенд хонлиги Жунғор хонлигининг вассалига айланган. Икки давлатнинг ички низолари авж олишидан фойдаланган Чингимперияси ҳуқумати 1758 – 1759 йиллар давомида бутун Шарқий Туркистонни босиб олган. Бу ўлкада манжурлар ҳуқумати Ёркенд ва Жунғор хонликлари мустақиллигига барҳам бериб, унинг ўрнига хитойча «Синцзян» (Шинжян), яъни «Янги ўлка» деб аталувчи ноиблик ташкил этган. Бу вақтда Ёркенд хонлиги ҳуқумдорларининг ворислари бўлган хўжалар Ўрта Осиёдан, жумладан, Қўқон хонлиги (1709 – 1876) дан бошпана топган эдилар. Улар Шарқий Туркистонда ўз ҳокимиятларини қайта тиклаш мақсадида Қўқон хонлиги аҳолисини ҳам жалб этганлар. Бу эса, ўз навбатида, Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келган.¹

Қўқон хонлиги ва Жунғор ҳамда Ёркенд хонликлари ўртасидаги ўзаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар ҳақидаги маълумотлар тарихий асарларда кам учрайди. Жумладан, Қўқон муаррихлари асарларида жунғорлар 30 «қалмиқлар» ёки

¹ Валиханов Ч.Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции Нан-Лу (Малой Бухарии) в 1858–1859 годах // Собр. соч. В 5 томах. – Алма-Ата, 1985. Т.3. – С.127.



«қалмоқлар»деб ном-ланган бўлиб, уларнинг кўчманчи халқ сифатида Қўқон хонлигига бостириб кирганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд, холос. Кўч-манчи жунғорларнинг Фарғона водийси ва Тошкентга бостириб кириши хавфи Қўқон хонлигининг вужудга келиш жараёнини тезлаштирган. XVII аср охирлари ва XVIII аср бошларида жунғор-лар шарқда Чинг империяси чегарасидан то кўчманчи қозоқлар ерларигача, шимолда Ғарбий Мўғулистондан то Тибетгача етиб, ўз таъсирини ўтказганлар.² Жунғорлар ноиби қўшинлари Бухоро хонлигининг шимоли-шарқий худудларига ҳужум қилиб турган. Мир Муҳаммад Амин Бухорий ўз асарида: «... қалмоқлар (ойрат-лар)нинг ҳужумидан саросимага тушган қозоқ ва қорақалпоқ қабилалари ва улуслари кўрқувдан ўз юртларини ташлаб Тошкентга ўрнашиб олди...» – дея гувоҳлик берган³³. Шунингдек, ойратларнинг ҳужуми қозоқ хонларини Бухоро хукмдорларидан ҳарбий ёрдам сўрашга мажбур қилган. Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг «Абдуллонома» асарида бу ҳақда маълумотлар берган³⁴. Жумла-дан, Тошкент ҳокими Баҳодирхон жунғорлар ҳужумидан сўнг Бухорога қочиб борган. Кейинчалик у ҳаж сафарига жўнаб кетган.Босиб олинган худудлар аҳолиси жунғорларга ўлпон тўлаган.Масалан, Тошкент аҳолиси уларга ҳар икки йилда бир марта 9 тадан гиламлар, ипак матолар, зирҳли куроллар, қундуз терилари,олтин, кумуш ва бошқа буюмлар жўнатиб турган³⁶. Аммо Галдан Цероннинг Қўқон давлатини ўзига вассал қилишга бўлган уринишлари зое кетган. У хонликни босиб олиш учун бир неча маротаба ҳарбий қўшин юборган. 1741-1745 йиллар оралиғида жунғорларнинг хонлик худудига уч марта ҳужум қилгани кузатилган.Биринчи юриш 1741 йилда юз берган бўлиб, уларнинг қўшини Тошкент воҳаси орқали Кандир довонидан ўтиб, Сангин қалъасини қамал қилган. Абдулкаримхон (1733-1750) Сангин қалъасидагиларга ёрдам бериш учун жияни Бобобек бошчилигида қўшин юборган. Ушбу қўшин билан жунғорлар ўртасидаги жангда Қўқон қўшини мағлубиятга учраган ва Бобобек асир олинган. У билан асир олинган 300 нафар қўқонлик аскарлар Тошкентга олиб келиниб қатл қилинган. Бобобек жунғорлар ўрдасига олиб кетилган.Галдан Цероннинг ўғли Септен бошчилигидаги жунғор қўшинининг иккинчи юришида 10 минг аскар, учинчи юришида эса 30 минг аскар қатнашиб, Наманган, Андижон, Марғилон, ҳатто пойтахт Қўқон ҳам қамал қилинган³. Мирзо Олим Мушрифнинг маълумот беришича, Абдулкаримхон бу қўшинга қарши Қипчоқбачча исмли саркардани юборган. Аммо ўзаро жанг жунғорларнинг ғалабаси ва саркарданинг ўлдирилиши билан тугаган. Қалтис вазиятда қолган Қўқон хукмдори Абдулкаримхон ўша даврнинг нуфузли ҳокимларидан бўлган Ўратепа ҳокими Фозилбий ибн Содиқбайдан ҳарбий кўмак сўрашга мажбур бўлган. Гарчи икки хукмдорнинг бирлашган қўшини жунғорларга жиддий зарба бер-ган⁴⁰ бўлса-да Абдулкаримхон қайта ҳужумнинг олдини олиш мақсадида жунғорлар билан музокара олиб борган.Музокаралар натижасида жунғорлар одати бўйича Абдулкаримхоннинг ўғли Бобобек жунғорлар ўрдасида гаров эвазига қолдирилган. 1745 йили тахт талашиш оқибатида Галдан Церон ва Септен

² .Воҳидов Ш. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши... – Б.16

³ Зиёев Ҳ. Она шахрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 2008.



ўлдирилган. Жунғорлар хужуми, ички беқарорлик, тартибсизликлар мамлакат иқтисодига катта зарар етказган бўлишига қарамай, Абдулкаримхон хукмронлиги даврида Қўқон хонлиги ўз мустақиллиги ва худудий яхлитлигини сақлаб қолишга эришган.

Абдулкаримхон вафотидан сўнг Қўқон хонлиги тахтида хукм-дорлар тез-тез алмашиб турган. Дастлаб Абдулкаримхоннинг ўғли Абдурахмон (1750) хон қилиб кўтарилган. Ундан кейин ҳокимият тепасига келган Эрдона (1751-1752)нинг хукмронлиги узоққа чўзилмаган. Жунғорлар ёрдами билан Бобобек (1752-1753) Қўқон тахтини эгаллаган. Бир йилдан сўнг Бобобек Эрдона тарафдорлари томонидан Бешарикда ҳийла йўли билан ўлдирилган ва ҳокимиятни яна Эрдона (1753-1762) ўз қўлига олган. Бунга жунғорлар қаршилик кўрсата олмаганлар. Зеро, бу вақтда Хитойнинг манжурлар ҳукумати Жунғор хонлиги худудига бостириб кирган эди.

⁴ Тарихчи олимлар манжурлар қўшини томонидан Жунғор хон-лигининг босиб олиниши ҳақида турли фикрларни билдирадilar. Жумладан, Мирзоолим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин» асаридан фойдаланган тарихчи Ҳ.Бобобеков 1746 йилда хитойликлар Қашқарни босиб олганликлари ва қалмиқларнинг Жунғор давлатини тор-мор қилганликлари натижасида қалмиқ кўчманчиларининг бир қисми ғарбга юриб, Фарғона водийсига бостириб кирган деган фикрни илгари суради. Мирзоолим Мушриф эса Хитой Қашқарни босиб олгач, қалмиқлар қўшинига Қўқон хонлиги худудига бостириб киришга буйруқ берган деб ёзган. Ушбу масалани хитой ва уйғур манбалари асосида чуқур ўрганган хитойшунос олим А.Хўжаев Хитойнинг манжурлар сулоласи қўшини Жунғория хонлигини 1716-1717, 1731-1732 йилларда вақтинча, 1755-1759 йилларда эса бутунлай босиб олганлигини исботлаган.

⁵ Қўқон хукмдори Эрдона Шарқий Туркистондаги сиёсий вазиятни доимий равишда кузатиб турган. Аммо унинг давлати ҳали сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан кучсизлиги боис ўлкадаги ишларга аралашмаган. Бурҳониддинхўжа ва унинг укаси Хўжа Жаҳон Бадахшонда ўлдирилгач, манжурлар ҳукумати Қўқонга ўтиб кетган Бурҳониддинхўжанинг ўғли Саримсоқхўжани қайтаришни талаб қилган эди. Аммо Эрдона бу талабни рад этган. 1758-1759 йилларда манжурлар қўшинлари томонидан Шарқий Туркистон ва Жунғория босиб оlingач, асрлар давомида мавжуд бўлган маҳаллий давлатчилик тизимига барҳам берилиб, Шарқий Туркистон Синьцзян номи билан атала бошланган. Ўлкада манжурларнинг бошқарув тартиби ўрнатилиб, Хитойнинг манжурлар императори томонидан тайинланадиган «цзянцзюня» деб аталган ноиби томонидан бошқарилган. Унинг бош идораси дастлаб Ғулжа, кейинчалик Урумчи шаҳрида жойлаштирилиб, ўлка Или ва Қашқар округига бўлиб бошқарилган. Ноибликдаги амалдорларнинг асосий қисми ҳарбийлардан иборат бўлиб, уларга император томонидан кенг ваколатлар берилган эди. Бундан ташқари, Шарқий Туркистондаги маҳаллий аҳоли турли мажбуриятларни бажариши талаб

⁴ Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – Б.20

⁵ Моисеев В.А. Джунгарское ханства и казахи (XVII – XVIII вв.). – Алма-Ата: Гылым, 1991. – С.164; 3



этилган. ⁶Хусусан, улар шаҳарлар қурилишида, йўлларни созлашда, суғориш ариқларини қазिश ва тозалаш жараёнида иштирок этиши шарт эди. Шунингдек, маҳаллий аҳоли манжурлар ҳукуматига олтин, кумуш, мис, селитра, заъфарон ўсимлиги, қўрғошин, шойи, ип газламалар, тери, турли мевалар, пахта кабиларни топширишга мажбур эдилар. Бундай оғир солиқлар ва мажбуриятларга чидамаган Шарқий Туркистон аҳолиси манжурлар ҳукумати сиёсатига қарши кураш олиб борган. Улардан бири 1760 йилда Қашқар вилоятида бўлиб ўтган. Қўзғолончилар кўп ҳолларда Қўқон ҳукмдорларидан мадад кутганлар. 1764 йилда Қашқар эшикоғаси Абдурахим Қўқон ҳукмдорига мактуб йўллаб, Шарқий Туркистондаги манжурларнинг ҳарбий таянч нуқталари ва қисмлари ҳақида маълумот берган. Агарда Эрдона Қўқон қўшини билан бирга Қашқарга бостириб келса, унга маҳаллий аҳолининг ёрдамга келишини кафолатлашини ёзган. 1765 йилда Учтурфонда юз берган йирик халқ қўзғолони вақтида ҳам Учтурфон ҳокими Раҳматилла ёрдам сўраб ўз одамларини Қўқонга юборган. Қўзғолон бостирилгач, у бир неча минг оилани олиб Қўқонга қочиб келган. Учтурфон қўзғолонидан сўнг 1765 йилдан 1816 йилгача Шарқий Туркистонда манжурлар ҳукмронлигига қарши бирорта ҳам қўзғолон юз бермаган. Чунки 1765 йилдаги кенг кўламли Учтурфон қўзғолони мобайнида ҳукуматга хизмат қилган маҳаллий амалдорлар, хитой ҳарбий амалдорлари, ҳатто хитой савдогарлари ҳам ўлдирилган.⁷

Муҳаммад Шарифнинг кўрсатишича, Қашқарга келган Қўқон саркардаси Ҳаққули ва унинг аскарлари бир неча минг атрофидаги кўчманчилар ва шаҳарликларнинг бойлигини ўзлаштириб олганлар. Муаллиф жабрдийда бу аҳоли асосан қоратоғликлар вакиллари ҳисобланиб, оқтоғликлар талаби билан уларга зуғум ўтказилган деб тахмин қилади. Бу маълумот Мирза Шамс Бухорийнинг кўрсатмасида ҳам учрайди¹¹⁹. Оқтоғликлар билан қоратоғликлар ўртасидаги кураш Шарқий Туркистоннинг сиёсий мустақиллигига раҳна солган асосий омиллардан бири ҳисобланиб, манжурлар империяси Шарқий Туркистонни босиб олганидан сўнг ҳам тўхтамаган. Мусо Сайромий: «Шу замонларда бирор хўжа Андижондан келиб қолса, оқтоғликлар гўё кунни янгитдан бошлагандек хурсанд бўлади. Агар Бейжонгдан совға қилиб чой юборилса, қоратоғликлар катта шухрат деб билганлар», - деб қайд этган. Бундай курашлар Шарқий Туркистон аҳолисининг мустақил давлат йўлидаги ҳаракатлари зое кетишига олиб келган.

Хуллас, Марказий Осиё тарихида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон ўртасидаги алоқалар қадимдан мавжуд бўлиб, бу анъанавий жараён Қўқон хонлиги (1709 – 1876) даврида ҳам давом этган. – Шарқий туркистонлик хўжаларнинг Ёркенд хонлиги ва Қўқон хонлиги ижтимоий-сиёсий жараёнларига фаол аралашуви бу алоқаларга сиёсий тус берган. Қўқон ҳукмдорлари Шарқий Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни доимий равишда кузатиб туришган. Бу ўлкадаги манжурлар ҳукумати билан сиёсий-

⁶ Жунғорлар 1720 йилда Ўш ва Андижонга хужум қилганлар (Абашин. С. Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII – XIX веках // Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М.: Наука, 2001).

⁷ Бобобеков Ҳ.Б. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.23.



дипломатик муносабатларини ўз манфаатлари асосида олиб боришган. Хўжалар бошчилигида Шарқий Туркистонни Хитойнинг манжурлар сулоласи ҳукмронлигидан озод қилиш йўлидаги 1826-1828, 1830, 1845, 1847, 1864 йиллардаги халқ ғалаёнларида ўлка аҳолиси билан бирга Қўқон хонлигининг сиёсий доиралари ва аҳолиси ҳам фаол қатнашган. Баъзан улар ўлкадаги сиёсий жараёнларга аралашиб, ҳатто ўз қўшини билан Шарқий Туркистонга бостириб киришган. Жумладан, 1826-1828 йиллардаги Жаҳонгирхўжа исёнида, 1830 йилдаги Муҳаммад Юсуфхўжа исёнида, 1847-1848 йиллардаги «Етти хўжалар қўзғолони»да Қўқон аскарлари фаол қатнашишган.

References:

1. Валиханов Ч.Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции Нан-Лу (Малой Бухарии) в 1858–1859 годах // Собр. соч. В 5 томах. – Алма-Ата, 1985. Т.3. – С.127.
2. Воҳидов Ш. XIX-XX аср бошларида Қўқон хонлигида тарихнависликнинг ривожланиши... – Б.16
3. Зиёев Ҳ. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 2008.
4. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2014. – Б.20
5. Моисеев В.А. Джунгарское ханства и казахи (XVII – XVIII вв.). – Алма-Ата: Гылым, 1991. – С.164; 3
6. Жунғорлар 1720 йилда Ўш ва Андижонга ҳужум қилганлар (Абашин. С. Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII – XIX веках // Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М.: Наука, 2001).
7. Бобобеков Ҳ.Б. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б.23.
8. Мирзоолим Мушриф. Ансоби ус-салотин... – Б.16
9. Ходжаев А. Из истории международных отношений Центральной Азии в XVIII веке. – Ташкент: Фан, 2003. – С.76 – 114.